

“ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ” курси



10-МАВЗУ. ИЛМИЙ МАҚОЛА ВА ИЛМИЙ ТЕЗИС



Алиқориев Олимхон – и.ф.н., доц., Олий бизнес мактаб

Илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи

МАВЗУ: ИЛМИЙ МАҚОЛА ВА ИЛМИЙ ТЕЗИС ЎЗИШ ВА РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБ ҚОИДАЛАРИ



ИЛМИЙ МАҚОЛА ВА ТЕЗИСЛАР ЧОП ЭТИШ

Илмий тадқиқот натижаларини янада кенгрок илмий жамоатчиликка танитиш ва кўрсатиш учун унда илгари сурилган ғояларни мақола ва тезис шаклида нашр этиш лозим. Мақолаларни қабул қилишда таҳририят беш асосий мезонга асосланади:



- 1) мақолада мавзунинг асосланиши ва унинг долзарблиги;
- 2) ёзиш услубининг сифати (яъни аниқ, содда, осон ва мантиқий);
- 3) татбиқ этилган тадқиқотнинг самарали ва кенг қамровлилиги;
- 4) адабиётларнинг ўрганилганлик даражаси;
- 5) мақола мавзусига тааллуқли бошқа манбаларда келтирилган назарий, амалий ва эмпирик тадқиқотлар натижаларининг танқидий таҳлили.





ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Фундаментал тадқиқот(лар) деганда, олинган натижаларнинг амалий жиҳатдан қўлланиш эҳтимоли қанчалик паст ёки юқори эканлигидан қатъи назар, янги билимлар ҳосил қилиш мақсадида олиб бориладиган илмий изланишлар тушунилади.

Амалий аҳамият касб этувчи илмий тадқиқотлар деганда, илмий изланиш натижаларининг аниқ мақсадли лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, аниқ вазифа/муаммоларнинг ечимини излаб топишга йўналтирилган илмий изланишлар тушунилади.

Шунингдек, бу турдаги илмий тадқиқотлар:

- аниқ муаммо/масала/вазифанинг илмий ечимини излаш, мавзу(лар)нинг қай даражада истиқболли эканини ўрганиш мақсадида олиб борилади;
- аниқ фундаментал ёки амалий аҳамият касб этувчи илмий изланишлар натижаларини амалиётга татбиқ этиш имкониятларини аниқлашга йўналтирилади.



ИЛМИЙ МАҚОЛА ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНАДИ?

Олий аттестация комиссияси томонидан илм-фаннинг бирон-бир соҳаси бўйича Doctor of Philosophy (PhD) ёки Doctor of Science илмий даражасини олиш мақсадида изланишлар олиб борувчи тадқиқотчиларнинг олдига қўйиладиган талаблардан бири матбуотда илмий иш мавзусига оид ёзма шаклда материаллар эълон қилиш ҳисобланади. Ҳозирда PhD илмий даражасини олиш учун камида учта илмий мақола чоп этилиши талаб этилади.

Олий аттестация комиссиясининг талабларига мувофиқ, илмий изланишларнинг натижалари асосида тайёрланган ёзма материаллар **соҳа мутахассисларидан илмий тақриз олиш** тартиби жорий этилган камида битта илмий даврий нашрларда эълон қилиниши шарт.

Олий аттестация комиссиясининг шартларига кўра, илмий мақолаларда диссертациянинг мазмуни етарли даражада ёритилиши лозим. Табиийки, ўртача ҳажми 8-10 бетни ташкил қилувчи битта илмий мақола доирасида бунинг имконияти йўқ. Шунинг учун, одатда, мақола диссертациянинг ҳар бир боби, бўлими доирасидаги маълумотларни қамраб олади. Айни вақтнинг ўзида диссертация мавзусини алоҳида қисмларга ажратиб, бир қанча мақолалар ёзишдан ҳам наф йўқ.

Илмий мақолаларда замонавий илм-фан соҳаларининг назарий ёки амалий асосларини ривожлантиришга тадқиқотчининг шахсий ҳиссаси нимадан иборат эканлиги иложи бориша ёрқинроқ ифодаланиши керак.

Илмий мақоланинг сарлавҳаси қисқа ва лўнда бўлиши, айни вақтда имкон қадар моҳиятан материал мазмунини акс эттириши лозим.

Мақоланинг дастлабки қисмида ўзбек, рус ва инглиз тилларида қисқа ва лўнда шаклдаги аннотация (асарнинг қисқача мазмуни) ҳамда асосий тушунчалар келтирилиши зарур.

Илмий мақола, одатда, тузилиш жиҳатидан бир нечта қисмга бўлинади. Мақоланинг кириш қисмида муҳокама этилаётган мавзунинг долзарблиги таърифланади ва асослаб берилади, шунингдек, тадқиқот соҳаси, объекти ва предмети, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари муаммо сифатида қўйиладиган масаланинг ечими, тақлиф этилаётган ечимнинг назарий ва амалий аҳамияти ҳақида мухтасар фикр билдирилади.



Мақоланинг асосий қисмида олиб борилган илмий изланиш доирасида қўлланилган тадқиқот услублари таърифланади, тадқиқотнинг тўпланган ва илмий жиҳатдан таҳлил қилинган умумий натижалари келтирилади. Одатда, бу қисм ҳажм жиҳатдан мақоланинг 80-90% ни ташкил этади. Асосий қисмда фойдаланилган ҳар адабиётга илова берилиб, мухтасар тарзда мавзу доирасида олиб борилган барча (асосий) тадқиқотлар натижасининг танқидий шарҳи, тадқиқот жараёнларининг муфассал (изчил тарзда) баёни, шунингдек, оралиқ даврларда олинган натижалар ҳақида зарур маълумотлар берилади. Бундан ташқари, асосий қисмда олинган натижаларнинг илмий жиҳатдан янгилиги ва амалий жиҳатдан синовдан ўтказиш натижалари ҳақида маълумотлар келтирилади.

Мақоланинг якуний қисмида кириш қисмида қўйилган масаланинг ечими сифатида баҳоланадиган илмий-назарий, амалий аҳамиятга молик хулоса ва тавсиялар келтирилади. Илмий изланиш нима мақсадда, ким/нима учун амалга оширилгани ҳақидаги фикрлар билан якунланади ҳамда олиб борилган илмий изланиш натижаларининг ижтимоий ёки иқтисодий самараси ҳақида мухтасар фикр билдирилади.

Илмий мақола мавзуга оид фойдаланилган адабиётлар рўйхати билан якун топади.

Илмий мақоланинг ҳажми камида 3-5, кўпи билан 30 бетгача бўлиши мумкин. Қоғоз формати – А4, китоб варағи ҳажмида, атрофида қолдириладиган бўш жойларнинг ҳажми ҳамма томондан 2,0 см, интервал (сатрлар оралиғидаги масофа) 1,5 см, шрифт – Times New Roman, ранги қора, катталиги 10 мм, ҳавола (ссылка)лар мақоланинг охирида, квадрат қавсларда берилиши керак.





Журналга мақолаларни тақдим этиш шартлари

1. Илмий мақола қуйидаги умумий талабларга жавоб бериши:

- мавзу журнал рукнларидан бирига мос келиши;
- эмпирик тадқиқот, назарий-амалий-услубий тавсифлар, илмий адабиётлар таҳлили ва шарҳини ўзида тизимлашган ҳолда мужассам этиши;
- ҳимоя қилинган докторлик (PhD ва DSc) тадқиқотларидан иқтибос келтирилиши:
- халқаро йирик нашриётлар ёки маълумотлар базаси, шунингдек жаҳоннинг 1000 (бир минг) та энг яхши олий таълим муассасаси (ОТМ) рўйхатидаги ОТМлар томонидан чоп этилган тўплам материалларидан иқтибослар берилиши;
- халқаро маълумотлар базасида импакт-факторга эга журналларда чоп этилган мақолалардан иқтибослар келтирилиши;



2. Мақола халқаро андозалар талаби доирасидаги қуйидаги бандларга эга бўлиши:

- **мақола мавзуси (title)** қисқа ва лўнда шаклантирилган бўлиб, тадқиқ этилаётган йўналиш муаммолари ва уларнинг ечимларини ўзида аниқ ифода этиши;

- **мақола муаллифи тўғрисида маълумот(author information)**да муаллифнинг фамилияси, исми-шарифи (тўлиқ), иш жойи ва лавозими, илмий даражаси ва унвони, электрон почта манзили ва телефон рақами киритилиши.

Шу жумладан, мақола таркиби халқаро андозалар талаби доирасидаги қуйидаги яхлит тизимлашган аниқ бандларга бўлинган бўлиши:

-**мақола аннотацияси (abstract)** 6-8 қатордан ошмаган ҳолда ўзбек, рус ва инглиз тилларида берилиши, унда мавзунинг долзарблиги, тадқиқот муаммоси ва ечимини топишда муаллифнинг илмий-амалий ҳиссаси, қўлланилган методология, тадқиқот натижалари ёритилиши;

- **таянч сўзлар (key words)** ҳар бири мақола матнида ўртача 4 ва ундан кўп марта такрорланганлигидан ва улар мантиқан қисқа мазмунда мақола моҳиятини очиқ беришга хизмат қилиши;

- **кириш (introduction)** қисмида асосан тадқиқот муаммоси, унинг мақсад ва вазифалари ёритилиши, мавзуни танлашни асоси, унинг долзарблиги ва илмий аҳамияти ёритилиши (ушбу қисмда Президент асарлари ва маърузаларига, фармон ва қарорларга асосланиши);

- **мавзуга оид адабиётлар таҳлили (literature review)** тадқиқ этилаётган муаммо юзасидан муаллифнинг билим ва тасаввурини намоён этувчи қисм бўлиб, танқидий таҳлил асосида мавзу доирасидаги билимларни кучайтириши ва тадқиқот натижаларини ойдинлаштириши, муаммога дахлдор хориж ва мамлакатимизда мавжуд илмий манбалар таҳлилинини ўзида акс эттириши;

- **таҳлил ва натижаларда (analysis and results)** методологик ёндашув асосида қатор моделлар ва бошқа усулларни маълумотлар таҳлили орқали олинган натижалар ўз аксини топиши, албатта жадвал ва расмлар бўлиши (жадвал номи унинг юқори қисмида, расм номи унинг қуйи қисмида ёзилиши ҳамда манбалари аниқ кўрсатилиши);

- **хулоса ва таклифлар (conclusion/recommendations)** тадқиқотнинг асосий натижаларини, шу билан бирга муаммолар ечими юзасидан мулоҳазаларни ўзида акс эттириши;

- **фойдаланилган адабиётлар рўйхати (references)** [1], [2] ёки [3] кетма-кетлигида келтирилиши:

муаллиф (фамилияси, исми-шарифи), китоб номи, нашр номи, нашриёт этилган жой, йили, айнан фойдаланилган бетларни; муаллиф(лар) исми-шарифи, мақола номи, журнал номи, нашри, йили, сони, аниқ бетлари;





4. Мақолани чоп этиш юзасидан таҳририят фаолияти:

- мақолани экспертга хулоса бериш учун тақдим этиши ва унинг натижаси асосида мақолани чоп этиш юзасидан тегишли қарор қабул қилиши;
- белгиланган талабларга жавоб бермаган мақола кўриб чиқилмаслиги ва муаллиф(лар)га қайтарилмаслиги;

Юқорида келтирилган талаблар яқуний эмас, баъзи мақолалар юзасидан Таҳририят қўшимча маълумот сўраш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.



“ХАЛҚАРО МОЛИЯ ВА ҲИСОБ” ИЛМИЙ ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛИГА МАҚОЛАНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ВА УНИ ЧОП ЭТИШ ТАРТИБИ I. ЖУРНАЛДА МАҚОЛАНИ ЧОП ЭТИШ ТАРТИБИ

1. Мақолалар илмий электрон журналининг “Мақолани тақдим этиш тартиби” рукнида келтирилган талаблар асосида расмийлаштирилгандан кейин чоп этишга тақдим қилинади. Илмий мақоланинг электрон матнини interfinance@tfi.uz электрон почта манзилига ва чоп этилган вариантыни охириги бетига имзо чеккан ҳолда, Тошкент молия институти ректоратида жойлашган “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали таҳририяти (2 этаж 201-хона)га топшириш мумкин.
2. Электрон илмий журналда чоп этиш учун тақдим қилинган илмий мақолалар журнал таҳририяти томонидан йўналишлар кесимида масъул соҳа мутахассиси экспертизасидан ўтказилиши белгиланган. Ижобий тақриз олинган илмий мақолалар таҳририятга келиб тушиш тартиби бўйича электрон илмий журнал сонларида кетма-кетликда жойлаштирилади.
3. Мақолага берилган тақризда қайд этилган камчиликларни тузатиш учун муаллиф(лари)га қайтарилади. Журнал рукнарига мос келмайдиган мақолалар чоп этилмайди.
4. Илмий мақолалар муаллифларининг ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикасининг 20.07.06 йилда қабул қилинган “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги **ЎРҚ-42 сонли** Қонун асосида ҳимояланади.



**Шоҳазамий Ш.Ш. – ТМИ,
профессор, и.ф.д.**

ОЧИҚ ЛИКВИД МОЛИЯВИЙ БОЗОРЛАРНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ МУВОЗАНАТ МОДЕЛИ

Мақола таклиф қилинган жамғармаларни талаб қилинган инвестицияларга объектив нархларда трансформацияланиши, амалга оширилган инвестицияларни спекулятив равишда айирбошланиши ҳамда капитал ва валюталарнинг эркин ҳаракати жараёнларини тизимли ўрганиш имконини берувчи очик ликвид молиявий бозорнинг макроиктисодий математик мувозанат модели ишлаб чиқилишига бағишланган.

Таянч иборалар: молиявий бозор, жамғармалар, инвестициялар, капитал, валюта, даромад ва фойда ставкаси, нарх, қиймат, трансформацияланиш, макроиктисодий мувозанат, модел, тенглик.

Статья посвящена разработке макроэкономической математической равновесной модели открытого ликвидного финансового рынка, позволяющего системно изучать процессы трансформации предложенных сбережений в требуемые инвестиции по объективным ценам, спекулятивной торговли инвестициями, свободного движения капиталов и валют.

Ключевые слова: финансовый рынок, сбережения, инвестиции, капитал, валюта, ставка дохода ва процентная ставка, цена, стоимость, трансформация, макроэкономическое равновесие, модел, равенство.

The article is devoted to the development of a macroeconomic mathematical equilibrium model of an open liquid financial market allowing to systematically study the processes of transformation of the proposed savings into required investments at

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МОДЕЛЛАРИ: КОНЦЕПТУАЛ ЖИХАТЛАР, ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАР ВА КОНВЕРГЕНЦИЯ ИМКОНИЯТЛАРИ

**Суюнов Дилмурод Холмуродович, и.ф.д.,
Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази директори ўринбосари**

E-mail: dsyunov@cgsc.uz

**Хошимов Элмурод Абдусатторович,
Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази кафедраси мудири,**

и.ф.н., доц.

E-mail: ekhoshimov@cgsc.uz

Аннотация: Ушбу мақолада корпоратив бошқарувнинг асосий моделлари, уларнинг негизини ташкил этувчи назария ва концепциялар таҳлил этилиб, мавжуд тенденциялар аниқланган ва истиқболда корпоратив бошқарув моделларида юз берадиган конвергенция имкониятларига баҳо берилган.

Аннотация: В данной статье проанализированы основополагающие теории и концепции базовой модели корпоративного управления, определены существующие тенденции и оценены возможности конвергенции моделей корпоративного управления в перспективе.

Abstract: This article analyzes theories and concepts of the basic corporate governance models, identifies the current trends and assesses the opportunities for the convergence of corporate governance models in the future.

Калим сўзлар: корпоратив бошқарув, корпоратив бошқарув моделлари, агентлик муаммоси, аутсайдер, инсайдер, акциядор, менежмент, директорлар



PHYSICAL REVIEW

STATISTICS 2007-2017




O‘zbekiston, Qozog‘iston, Eron, Mo‘g‘uliston va Pokiston fiziklari tomonidan 2007-2017 yillarda “ Physical Review”da nashr etilgan nashrlar soni



SCIENCEDIRECT JOURNALS

1997 1998 1999 2000 2001 2002 2003 2004 2005 2006
 2007 2008 2009 2010 2011 2012 2013 2014 2015 2016



1997-2016 yillarda Elsevier nashriyoti jurnallarida O'zbekiston, Eron va Turkiya fiziklari tomonidan chop etilgan nashrlar soni



ИЛМИЙ МАЪРУЗА ТЕЗИСЛАРИНИ ЁЗИШ ҚОИДАЛАРИ

Конференция тўпламига ўз тезисларингизни ҳавола этмоқчисиз. Хўш, ишни нимадан бошлайсиз? Чунки ҳар қандай тадқиқот якунида ҳамжамиятга унинг натижаларини қисқа ва тушунарли тарзда баён этишингиз лозим. Аксарият ҳолатларда амалга оширган ишини кўрсата билмаслик натижасида тадқиқотчилар ўз меҳнатларининг паст баҳоланишига сабабчи бўладилар. Бунинг учун ҳар бир қилган меҳнатингизни оммага кўрсата олишингиз, соҳангизнинг қайси масаласи юзасидан тадқиқот олиб борганингиз ва қандай хулосага келганингиз айнан сиз ёзган илмий тезисларда ўз аксини топади. Тезис ўзи нима?

Тезис – бу илмий матн бўлиб, у ўзида илмий тадқиқотнинг асосий натижаларини ва уларни олиш усулларини акс эттиради. Тезислар илмий маърузанинг қисқарттирилган шакли деб ҳисоблаганлар адашади.

Тезисларнинг мақсади – конференциянинг бошқа қатнашчиларига тадқиқотингиз мазмунини янада яхшироқ тушунтиришдан иборат.



Сарлавҳа. Тезис устида иш бошлашдан аввал унинг сарлавҳасини ўйлаб кўринг. Сарлавҳа ўз навбатида сизнинг тадқиқотингиз мазмунини ўзида акс этиши лозим, аммо у битирув малакавий иш, магистрлик ёки докторлик диссертация мавзуси билан айнан бўлиши шарт эмас. Сизнинг маърузангиз узоғи билан 10 дақиқа давом этишини инобатга оладиган бўлсак, ана шу қисқа вақт ичида тўлиқ ўз тадқиқотингиз ҳақида қатнашчиларга сўзлаб беришга улгуришингиз лозим. Шунинг учун тезис сарлавҳаси лўнда бўлгани маъқул, шу билан биргаликда у содда ва умумий бўлмаслиги керак.

Таркиби. Ҳар қандай матн, бу пухта ўйланган таркибдир. Албатта тезислар ҳам бундан истисно эмас. Биринчидан, илмий тезислар учта асосий ва муҳим жиҳат: долзарблик, муаммо ва мақсаддан иборат бўлади.



Долзарблик – бу сизнинг тадқиқотингиз бугунги кунда нақадар муҳим ва зарур эканлигини кўрсатувчи ҳолат. Албатта тадқиқ этилаётган масаланинг долзарблиги хусусида ёзар экансиз, бу борада далилларни келтиришни унутманг. Долзарблик “Нега айнан мазкур мавзунини тадқиқ этиш керак?” деган саволга жавоб беради. Долзарбликдан келиб чиққан ҳолда тезисларнинг муаммоси шакллантирилади.

Муаммо – бу бугунги кунда жараён ёки ҳолат тўғрисидаги ва реал фактлар ўртасидаги мавжуд қарама-қаршиликдир. Яъни бунда назария амалиётга тескари ёки аксинча. Муаммо “Масаланинг илгари ўрганилмаган қайси жиҳатларини тадқиқ этиш мумкин?” деган саволга жавоб беради. Ўз навбатида танланган муаммодан келиб чиққан ҳолда тезис мақсади шакллантирилади.



Мақсад – тадқиқотнинг якуний натижасидир. Шунинг учун ҳам преамбула сифатида: «ишлаб чиқиш...», «аниқлаш...», «асослаш...», «ҳисоблаб чиқиш...» каби сўзлар қўлланилади. Тезиснинг 2/1 қисмини ишнинг натижалари эгаллаши лозим. Бу тезиснинг энг муҳим қисмидир. Муаллифнинг тадқиқ этилаётган мавзуни очишга, унинг янги қирраларини кўрсатишга қўшган ҳиссаси муҳим аҳамият касб этади. Олинган натижалар аниқ, миқдорий кўрсаткичларда ва тадқиқот мақсадларига боғлиқ бўлиши зарур. Натижаларни ажратиб кўрсатилган ҳолда бериш мақсадга мувофиқ: тартиб рақамларда (1,2,3,....., I, II, III...), ҳарфлар билан (А, В, С...А, Б, В...), ёки кириш сўзлари билан («Биринчидан,...», «Иккинчидан...») ва ҳоказо.

Тезисни якунлар экансиз, албатта хулоса қилишингиз керак.

Хулоса – бу нафақат юқорида билдирилган фикрларни яна бир бор қайтариш эмас, балки тадқиқот натижаларининг қисқача таҳлиlidir. Хулоса янги ҳолатларни олиб чиқиши ва “Хулоса қилар эканмиз, фикримизча...” деган сўзлардан фойдаланилса мақсадга мувофиқдир.



Хулоса. “Тадқиқот ўз олдига қўйган мақсадга эришдимми?” деган саволга жавоб беради. Албатта тезисда бошқа муаллифларнинг ишидан фойдаланганлигингиз, уларнинг фикрларини келтирганингизда муаллиф иши, асари, мақоласига ҳавола беришингиз лозим. Бу илмий изланишлар маконида сиз қанчалик тўғри ва эркин ҳаракатланганингизни кўрсатади.

Тезислар қай кўринишда тақдим этилади?

Тезис ҳажмини аксарият ҳолатларда ларни эълон қилмоқчи бўлган ташкилот белгилайди. Одатда тезисларнинг ҳажми 1-3 бетдан ошмаслиги зарур. Илмий конференцияларнинг ахборот хатларида илмий мақола ва тезисларга қўйиладиган талаблар ёзилиб, шрифт, қатор оралиқлари, ҳавола ва сноскалар, расм ёки жадвал қўйиш мумкин ёки мумкин эмаслиги хусусида батафсил маълумот берилади. Уларни диққат билан ўқишни унутманг! Агарда талабларга риоя этилмаса, сизнинг тезисингиз чоп этиш учун қабул 92 қилинмаслиги мумкин. Халқаро меърларга кўра тезислар Times New Roman шрифтида 14 кегалда, 1,5 интервалда ёзилган бўлиши, ҳошиялар 2 см.дан ошмаслиги, схема, расм ва жадваллар киритилмаслиги керак.



Тезисда бошқа муаллифларнинг фикрлари тўғридан-тўғри иқтибос шаклида келтирилмайди. Агарба бу жуда ҳам зарур бўлса унинг фикри қўштирноққа олиниб, қавс ичида муаллифнинг исм-шарифи, асарининг чоп этилган йили келтирилади. Масалан, Тезисда И.Аҳмедовнинг иккита асари келтирилмоқда – 2013 ва 2014 йилларда чоп этилган. Биринчи ишга ҳавола қуйидагича бўлади: [И.Аҳмедов 2013: 51], иккинчисига – [И.Аҳмедов 2014: 151] ёки [Ўша ерда: 69]. Бунда биринчи сон асарнинг чоп этилган йили, иккинчиси эса иқтибос олинган бетдир. Агарда бир муаллифнинг асарлари бир йилда чоп этилган бўлса, йилдан сўнг индекс берилади –а, б, в: [И.Аҳмедов 2002а: 151], [И.Аҳмедов 2002б: 152]. Сноскалар эса қуйидагича келтирилади: Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т.: “Янги авлод”, 1992. Б.11.



Тезисларда келтирилган ҳар бир фамилия қавсларда унинг асарининг чоп этилган йили билан берилади. Фамилиялар албатта муаллиф исмининг бош ҳарфи билан берилади. Исмнинг ва шарифнинг бош ҳарфи фамилиядан олдин қўйилади. Фойдаланган адабиётлар рўйхатида эса исм ва шарифнинг бош ҳарфи фамилиядан кейин қўйилишини ёддан чиқарманг. Тезисда тилга олинган ҳар бир илмий услуб келтирилганда албатта у олинган асарга ҳавола бериш зарур (илмий метод муаллифининг фамилияси, исми ва шарифи, асари ва унинг чоп этилган йили кўрсатилган ҳолда).



ИЛМИЙ ЭТИКА НИМА?

Одоб-ахлоқ қоидалари илмий изланишларда ҳам ўз долзарблиги йўқотмайди. Битта илмий маърузани иккита конференцияда ўқиш, битта илмий тезис ёки мақолани иккита тўпламга бериш ҳам ахлоқ нормаларига тўғри келмайди. Агарда ташкилотчилар бу ҳақида билиб қолишса, сизнинг илмий тезис ёки мақолангизни тўпламдан олиб ташлашлари мумкин. Кўпгина конференцияларда битта муаллиф иккита маъруза қилмайди. Чунки маърузага тайёрланиш муҳим масала бўлиб, унда кўтариладиган масалалар жиддий ёндошувни талаб этади.

Яна бир ҳолат. Аксарият ҳолатда ўқитувчилар ўз талабалари билан ҳаммуалифликда мақола беришади. Савол туғилади: мақолани ким ёзган? Ўқитувчи ёзган бўлса талаба нима қилган? Талаба ёзган бўлса ўқитувчи фақатгина унга йўналиш берган ва таҳрир қилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда ўқитувчининг фамилияси тезис ва мақоланинг тагида илмий раҳбар сифатида берилиши керак. Зеро илмий раҳбар функцияси айнан раҳбарликдадир ва бу ҳолатда талаба ёзган мақолага қўшилиш шарт эмас. Бундай ҳолатда талаба меҳнатининг аҳамияти пасаяди.



TAVSIYALAR (MAQOLALAR)

Ilmiy maqolalar yozishning 10 asosiy qoidalari

Avvalgi nashrda biz ilmiy maqola qanday yozilishi haqida batafsil ma'lumot berdik. Keling, sifatli ilmiy ishlarni yozishda qaysi daqiqalarga alohida e'tibor berish kerakligini qisqacha aytib berishga harakat qilamiz.

Odatda sarlavha, kirish, asosiy qism, xulosalar va adabiyotlar ro'yxatini o'z ichiga olgan maqolaning aniq tuzilishini yaratish muhimdir. Ba'zi maqolalarda annotatsiyani kiritish, kalit so'zlarni ta'kidlash va o'rganilgan adabiyotlarni umumiy ko'rib chiqish o'rinli bo'ladi.

Keling, strukturaning har bir elementining asosiy xususiyatlarini ko'rib chiqaylik.

1. **Maqolaning sarlavhasi** ushbu muammoning mohiyatini aks ettirishi kerak.
2. Sarlavha so'ng, **muallif** va ilmiy rahbarlarni ko'rsatishni unutmang.
3. **Maqsad** qismida mavzuning mohiyatini qisqacha va aniq ochib beradigan aniq belgilangan maqsad bo'lishi kerak.
4. Bundan tashqari, **dolzarblik** qismida siz tanlagan mavzuning dolzarbligi haqida gapirish kerak.
5. **Vazifalar**, agar siz ularni maqolada bayon qilishni zarur deb hisoblasangiz, maqsadlarni o'z ichiga olishi va aniqlashi kerak. Vazifalar ro'yxati maqolada ochilgan narsalar.

6. Ilmiy maqolaning asosiy qismi **tahlil qilish, tavsiflash** yoki har qanday tadqiqotni o'z ichiga oladi.
7. **Jadvallar va illyustratsiyalardan foydalanish** maqolani yanada mazmunli qiladi va unga ko'proq ahamiyat beradi.
8. Xulosa **qilib aytganda, topilmalar**, umumlashmalar, tadqiqot yoki tahlil natijalari qisqacha bayon etilgan. Shuni unutmaslik kerakki, topilmalar kirish qismida keltirilgan vazifalarga javoblarni o'z ichiga olishi kerak. Bu yerda siz o'zingizning ishingizning amaliy ahamiyatini ta'kidlashingiz kerak.
9. **Adabiyotlar ro'yxati** ishlatilgan barcha manbalarni o'z ichiga olishi kerak. Tegishli standartlar talablariga muvofiq berilishi kerak. Bibliografiyaga havolalar mutlaqo matn bo'yicha joylashtiriladi, u erda siz qo'shtirnoqlardan foydalangansiz yoki muallifning fikrini o'z so'zlaringiz bilan takrorlaysiz.
10. Maqolani yozgandan so'ng, **uzilib, dam oling, qahva iching**. Va faqat keyin maqolani qayta o'qing-ehtimol siz tuzatilishi kerak bo'lgan nuanslarni sezasisz.

Ushbu oddiy qoidalar sizning ilmiy portfelingsizga mukammal qo'shimcha bo'lishi mumkin bo'lgan haqiqiy ilmiy maqoladan fikr va ishlanmalardan foydalanishga imkon bersa, biz xursand bo'lamiz!

TAVSIYALAR (TEZISLAR)

Konferensiyada tezislarni qanday yozish mumkin

*Ilmiy ishlar bo'yicha tezislarni tayyorlash har qanday olim uchun juda muhim ahamiyatga ega. Birinchi ilmiy qadamlar yosh mualliflar konferentsiyalarda ishtirok etadilar, ular boshqa ishtirokchilarni tinglashlari va tinglashlari mumkin. Shuning uchun, boshlang'ich mualliflar tomonidan so'raladigan eng tez-tez so'raladigan savol: "**konferentsiya uchun tezislar qanday yoziladi?**"»*

Vikipediya'dagi umumiy ta'rifga ko'ra: "*tezislar qisqacha shakllantirilgan asosiy qoidalar, ilmiy ishning asosiy fikrlari, maqola, hisobot, kurs yoki tezislar*". Ilmiy maqolalarning tezislari ular isbotlanishi va oqlanishi kerak bo'lgan to'liq matnli ishning o'zaro bog'liq va mantiqiy tuzilgan asosiy qoidalari to'plamidir.

Tezislarni yozishning asosiy maqsadi qisqa ijobiy umumlashtirishni taqdim etish, ishning mazmuni yoki ilmiy ishi bo'yicha mohiyatni, asosiy g'oyalarni va natijalarni ochishdir. Tezisning o'ziga xos xususiyati-to'liq hisobotning asosiy g'oyalarini aks ettiruvchi kichik hajm (2-3 sahifa).

Konferentsiya uchun to'g'ri mo'ljallangan **tezislar** juda muhim rol o'ynaydi. Muvaffaqiyatsiz tayyorlangan matn asosiy ish haqidagi fikrni buzishi, tinglovchini yoki o'quvchini siqib chiqarishi mumkin. Yaxshi mo'ljallangan tezislar ilmiy ishning to'liq salohiyatini ochib beradi, o'z ishiga e'tibor beradi yoki moliyalashtirishni jalb qiladi, muallifni savodli olim sifatida belgilaydi. Komissiya tomonidan muhim ahamiyatga ega bo'lgan konferentsiya tezislari turli jurnallarda yoki konferentsiya maqolalarida bepul chop etilishi mumkin.

Har bir olim o'z ishining natijalarini jahon jamiyatiga va boshqa mutaxassislariga etkazishga intiladi. Sifatli tezislarni tayyorlash va ularni nashr etish-o'z ishlarini ilmiy tan olish va boshqa olimlar tomonidan o'z asarlarida qo'llashga munosib qilishdir.

Tezislar quyidagi turlarga bo'linadi:

- Asosiy ilmiy ishlar muallifi (o'z ilmiy ishlari asosida tuzilgan boshqa muallifning nashrlari yordamida tuzilgan)
- Taqdim etilgan joy (xalqaro konferensiyalar, jurnallar, seminarlar va h. k.)
- Taqdimot shakli (nutq bilan taqdimot, yozishmalar, nashr va boshqalar)
- Yozish tartibi (asosiy ilmiy ishni tayyorlashdan oldin, ilmiy ish tayyorlangach)
- Asosiy tarkib (muammoning bayonoti, tadqiqot natijalari, yangi ish uslubi va boshqalar)
- Murakkabligi (asosiy, oddiy, murakkab)
- Taqdimot uslubi (fe'l va nominativ tuzilish)

Keling, to'g'ridan-to'g'ri **"konferentsiya uchun tezislar qanday yoziladi"** degan savolga murojaat qilaylik.

Tezislarning tuzilishi ularning mazmuni tipologiyasiga asoslanadi.

Muammoni ifodalaydigan matnni yozishda quyidagi bloklar mavjud:

- Mavzuning dolzarbligini ko'rsatadigan laconic kirish.
- Ishning maqsadi va vazifalarni belgilash
- Mavjud metodlar yoki nuqtai nazarlarni qisqacha adabiy tahlil qilish, mavzuning tavsifi va tadqiqot ob'ekti
- Muallifning ushbu masala bo'yicha g'oyalari va fikrlari
- Tadqiqotning tartibi va mumkin bo'lgan yo'llari
- Vazifalar va maqsadlar bo'yicha xulosalar. Natijaga erishish uchun baholash.

Tadqiqot natijalari asosida matn yozishda quyidagi rejadan foydalanish tavsiya etiladi:

- Qisqa kirish, muammoning bayonoti
- Ishning maqsadini aniqlash
- Tadqiqotning umumiy qoidalari va asosiy farazlari.
- Qo'llaniladigan usullar va metodologiyalar.
- Turli ma'lumotlar va hisob-kitoblar.
- Qidiruv natijalar va tahlil

- Asosiy natijalar
- Yakuniy tahlil va xulosalar

Yangi ish uslublari bilan bog'liq tezislar quyidagi bloklarni o'z ichiga oladi:

- Qisqa qisqacha kirish, usullar, dastur doirasi
- Yangi texnikani ishlab chiqishning maqsadi va vazifalari
- Mavjud usullarning tavsifi, adabiyotlarni tahlil qilish
- Yangi texnikaning tavsifi
- Dastur doirasi tavsifi
- Foyda va cheklovlarni baholash
- Topilmalar va maqsadlarga erishish darajasi, texnikaning xatosi.

Tezislarni rasmiylashtirish uchun talablar

Tezislarni rasmiylashtirish talablari org tomonidan taqdim etiladi. ushbu tadbirni o'tkazadigan qo'mita. Bunga alohida e'tibor berish juda muhimdir, chunki noto'g'ri tahrirlangan hisobot tezislari maqolani rad etishga olib kelishi mumkin, chunki ishni ro'yxatga olish qoidalarining har qanday buzilishi ish to'plamini joylashtirish va kutubxonalarda joylashtirish uchun ko'proq vaqt sarflashga olib keladi.

Tezislarning o'rtacha hajmi 3-5 bet, Times New Roman shrifti, 12-14 kegel, satr oralig'i bir yoki bir yarim.

Muhim nuqtalardan biri adabiyotlar ro'yxatini tuzishdir. Bu taklifni hisobga olish, shuningdek, matnga ilmiy og'irlik berish uchun zarurdir. Ro'yxatni to'g'ri qurish uchun dissertatsiyalarni rasmiylashtirish qoidalari qo'llaniladi.

Sarlavha maqolaning nomi, mualliflarning nomi, ish joyi yoki hisob-kitob joyi, shuningdek, mamlakat va shaharni ko'rsatadi. Ba'zi hollarda annotatsiya va kalit so'zlarni tayyorlash kerak.

Konferensiyaga tezislar yozishning umumiy algoritmi:

1. Tezis ishining turini aniqlash va uning tuzilishini tanlash
2. Maqsadlarni belgilash va ishning zarur natijalari

3. Oldingi fikrlarni hisobga olgan holda hujjatning ishchi nomini shakllantirish. Kerakli konferentsiya bo'limining mavzusini hisobga olish kerak.
4. Tavsiyalar va turga muvofiq tezislar tuzilishini tuzish. Qulaylik uchun ushbu bo'limning asosiy g'oyasini o'z ichiga olgan har bir blokda bitta jumla tayyorlash tavsiya etiladi. Agar bo'lim bir nechta g'oyalarni o'z ichiga olgan bo'lsa, u bir necha xatboshilardan iborat bo'ladi
5. Agar kerak bo'lsa, olingan ma'lumotlarni tahlil qilish - qo'shimcha va tozalash. Ishning asosiy g'oyasi va maqsadga erishish yo'lini mantiqiy ravishda isbotlash muhimdir.
6. Tezislarni rasmiylashtirish talablari bilan tanishish va mavjud reja asosida matn tayyorlash.
7. Olingan matnni tekshirish. Agar ushbu masala bo'yicha yangi fikrlar yoki g'oyalar mavjud bo'lsa, ular avvalgi bosqichlarni takrorlash orqali ham kiritilishi kerak.
8. Hisobot matnini, izohni, kalit so'zlarni yozishni yakunlash va konferentsiya talablariga muvofiqligini tekshirish. Tashkiliy qo'mita tomonidan ko'rsatilgan sahifalar sonini hisobga olish juda muhimdir.
9. Maqolaning matnini yakuniy tayyorlash va ularning ilmiy rahbariga yoki tanishlariga taqdim etish.
10. Tayyor tezislarni yuborish, tashkiliy qo'mita manziliga ariza berish.

Tezislar yozish bo'yicha umumiy tavsiyalar

Tezislar qisqa va informatsion bo'lishi kerak

Matn davomida mantiqiy munosabatlar kuzatilishi kerak

Yozish uslubi faqat ilmiy bo'lishi kerak

Matn hatto o'qimagan o'quvchiga ham tushunarli bo'lishi kerak

Grafika dizayni sxemalar va jadvallar shaklida qabul qilinishi lozim.

Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбаалари

Асосий адабиётлар

1. Collis J., Hussey R. (2003) Business Research 2nd edition, Palgarve Macmillan.
2. Saunders M., Lewis P., Thornhill A. (2009) Research Methods for Business Students. Fifth edition.
3. Robson C. (2011) Real World Research. Third edition.
4. Walliman N. (2011) Research methods: the basics. Taylor and Francis group. London and New York.

V. Қўшимча адабиётлар

1. Баскаков А.Я., Туленков Н.В. Методология научного исследования: Учебное пособие. – К.: МАУП, 2004.
2. Орехов А.М. Методы экономических исследований: Учебное пособие. – М.: ИНФРА-М, 2009.
3. Сабитов Р.А. Основы научных исследований: Учеб. пособие / Челяб. гос. ун-т. Челябинск, 2002.
4. Магистерская диссертация: методы и организация исследований, оформление и защита: учебное пособие / коллектив авторов ; под ред. В.И. Беляева. — 2-е изд., перераб. — М. : КНОРУС, 2016.
5. Новиков А.М., Новиков Д.А. Методология научного исследования. – М.: Либроком.
6. Очиллов Б.Э. Научно-исследовательские методы и их анализ: Курс лекций. – Т.: ТашГИВ, 2009.
7. Сабитова Р.Г. Основы научных исследований: Учеб. пособие / Дальневосточный гос. ун-т. Тихоокеанский институт дистанционного образования и технологий, Владивосток, 2005.

Интернет сайтлари

1. www.natlib.uz
2. www.cambridge.org
3. www.doaj.org
4. www.springer.com
5. www.e-library.ru
6. diss.natlib.uz
7. www.plos.org
8. www.wdl.org
9. press.natlib.uz



**ЭЪТИБОРИНГИЗ УЧУН
РАҲМАТ!!!**